



## ИШБИЛАРМОНЛИК ТУРИЗМИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Самиев Сирож Саитович -**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтини мустақил изланувчиси, “Инак йўли”  
туризм ва маданий мерос халқаро университети  
АРМ етакчи мутахассиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a57](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a57)

**Аннотация.** Туризм соҳасининг ажралмас қисми бўлмиш ишбилармонлик туризми аҳолининг катта қисмини ўзига жалб қилади. Унинг самарадорлигини ошириш туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Мазкур мақолада ишбилармонлик туризмнинг турли сегментларини очиб бериш ва уларни туризм амалиётига жорий қилиш масалалари кўтарилган. Ёшларнинг потенциал иш берувчилари билан алоқаларни ўрнатишда саёҳатларнинг бу турини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калитли сўзлар:** ишбилармонлик туризми, ишбилармонлик ташрифлар таснифи, бизнес саёҳат, хизмат сафари, тадбиркорлик туризми, ёшлар ишбилармонлик ташрифлари.

## ПУТИ РАСШИРЕНИЯ СФЕРЫ ДЕЛОВОГО ТУРИЗМА

**Самиев Сирож Саитович -**

Независимый соискатель Самаркандского института  
экономики и сервиса, ведущий специалист ИРЦ  
Международного университета туризма и  
культурного наследия “Шёлковый путь”

**Аннотация.** Деловой туризм, являющийся неотъемлемой частью индустрии туризма, привлекает большую часть населения. Повышение ее эффективности имеет большое значение для развития туристической инфраструктуры. В данной статье поднимаются вопросы выявления различных сегментов делового туризма и внедрения их в туристическую практику. Разработаны предложения по развитию данного вида поездок при установлении контактов с потенциальными работодателями молодежи.

**Ключевые слова:** деловой туризм, классификация деловых визитов, деловая поездка, командировка, молодежные деловые визиты.

## WAYS TO EXPAND THE SPHERE OF BUSINESS TOURISM

**Samiev Siroj Saitovich -**

Independent researcher Samarkand Institute of  
Economics and Service, Leading specialist  
at the IRC of “Silk road” international  
university of tourism and culture heritage

**Annotation.** Business tourism, which is an integral part of the tourism industry, attracts a large part of the population. Improving its efficiency is of great importance for the development of tourism infrastructure. This article raises questions of identifying various segments of business tourism and introducing them into tourism practice. Proposals have been developed for the development of this type of trips when establishing contacts with potential youth employers.

**Key words:** business tourism, classification of business visits, business trips, business travel tourism, youth business visits.

**Кириш.** Туризм соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Бунга мисол қилиб, охириги вақтда Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармонлар ва қарорларни келтиришимиз мумкин [1, 2, 3]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли қарорида республика иқтисодиётида туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, фуқароларни мамлакатимизнинг туризм салоҳияти билан таништириш учун

зарур шарт-шароитлар яратиш каби мақсадлар белгиланган. Шуниси эътиборлики, корхона ва ташкилотлар учун жамоа шартномаларига иш берувчилар томонидан ходимлар учун йилига бир маротаба маҳаллий саёҳатга чиқиш имконини яратиш қоидаларини киритиш, ёшлар, айниқса, таълим муассасалари ўқувчи-талабаларини туризмнинг кўплаб турларига жалб қилиш кўзда тутилади [2].

Бундан ташқари Президентимизнинг 2022 йил 24 декабрдаги “Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни “Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-455-сонли қарорида Самарқанд вилоятига хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, янги туризм инфратузилмаси объектлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, ҳудуднинг транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва диверсификация қилиш кўзда тутилмоқда [3].

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Ўзбекистонда туризм ва унинг ижтимоий хусусиятлари республикамиз олимларидан К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, М.Э.Пўлатов, Е.В.Голишева, Ф.К.Комилова, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, О.Ҳ.Ҳамидов, А.Н.Норчаев, М.Т.Алиева, Б.Х.Тураев, Б.Ш.Сафаров, Д.Норкулова, З.Усманова, О.Олимов асарларида ўрганилган. Ишбилармонлик туризмни халқаро даражада ташкил этиш ва бошқариш муаммолари Rob Davidson, Nigel Evans, Scott McCabe, Xavier Font, Krzysztof Cieslikowski, Marina Gregoric, О.А.Смирнова, М.А.Дыбаль, И.А.Цацулина, А.Н.Елизаров, И.В.Зорин, В.А.Квартальнов, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов каби хориж олимлари томонидан тадқиқ қилинган [4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13].

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ишбилармонлик туризмнинг кўп қирралари олимлар эътиборидан четда қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири “ишбилармонлик туризми” атамасининг бугунги кун шароитларига мос келмаслигидадир. Ишбилармонлик мақсадларида саёҳат қилиш шакллари ва турлари кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда ушбу масала чуқур ўрганилиши зарур бўлмоқда.

UNWTO таснифи бўйича “ишбилармонлик туризми” деганда, хизмат ва касбий мақсадлар билан боғлиқ саёҳат тушунилиб, вақтинчалик бўлган жойда даромад олиш кўзда тутилмайди [14]. Кўплаб олимлар ушбу атамага таянган ҳолда ишбилармонлик туризмга фақат конгресс туризми нуқтаи назаридан қарамоқдалар.

Rob Davidson “бизнес саёҳат” ва “бизнес туризм” орасидаги фарқларни аниқлаштириб берган ҳолда уларнинг ҳар хил мазмунига эътиборни қаратади. Унинг фикрича, бизнес саёҳат икки турга ажратилади: шахсий (индивидуал) бизнесга оид саёҳатлар ва бизнес туризм. Шахсий бизнесга оид саёҳатлар таклифларни кириштириш, маслаҳатлар алмашиш, тадқиқот, юзма-юз мулоқот мақсадларини ўз ичига олади. Бизнес туризм эса жамоавий учрашувлар, интенсив-саёҳат ва бошқалардан иборат бўлади [4].

Krzysztof Cieslikowski нинг илмий ишлан-маларида ишбилармонлик туризми ҳудуднинг инновацион маҳсулоти сифатида талқин қилинганлиги диққатга сазовор. Бунда “ишбилармонлик ташрифи” ва “ишбилармонлик туризми”

атамаларининг мазмунан фарқ қилиши кўрсатилмоқда. Ишбилармон ташриф буюрувчи шундай ташриф буюрувчики, унинг туристик саёҳатининг асосий мақсади ишбилармонлик ва касбий фаолият билан боғлиқ бўлади. Ташриф туризмдан кенгроқ маънони англатади ҳамда шахсий ишбилармонлик саёҳат ва ишбилармонлик туризмни ўз ичига олади. Анъанавий туризмдан фарқли жиҳати аҳолининг нисбатан кам қисмини жалб қилишида, бошқа турдаги мотивлар ва танлаш эркинлигининг бизнес манфаатлари билан чекланишидадир [7].

О.А.Смирнова томонидан берилган таъриф қуйидагича: “Ишбилармонлик туризми иш вақтида инсонларнинг ҳаракатланиши ва жойини ўзгартириши вақтида вужудга келадиган муносабатлар ва ҳодисалар мажмуасидир. Одатий яшаш ва ишлаш жойидан фарқли ўлароқ, бу ҳаракатланишнинг асосий мотивацияси турли ишчи учрашувлар, конгресслар, анжуманлар, кўргазмалар, ярмаркалар интенсив-тадбирларда қатнашишдан иборат” [8].

М.А.Дыбаль томонидан келтирилишича, айрим олимлар ишбилармонлик туризмни “маълум мақсадларга эришишга қаратилган конгресс, форум, семинар, кўргазма ва шу кабиларни ўз ичига оладиган ҳамда махсус хизматлар мажмуасидан фойдаланган ишбилармонлик тадбирлар тизими”ни тушунадилар. Бунда ишбилармонлик туризмнинг фарқланувчи хусусиятларига харажатларнинг сайёҳларга қоплаб берилиши, мавсумга боғлиқ бўлмаганлиги ва иқтисодий самара билан боғлиқлигидир [9].

И.А.Цацулинанинг фикрича, “ишбилармонлик туризми ишбилармонлик коммуникацияларини, ахборот ва технологияларни алмашишни, янги шериклар ва бозорларни излаш, PR-тадбирлар, персонални ўқитиш ва корпоратив маданиятни ривожлантиришни ўз ичига олади” [10].

А.Н.Елизаров ишбилармонлик туризмга таъриф берар экан, уни ташкилот ёки шахснинг касбий мақсадларида амалга оширилаётган ишбилармонлик саёҳатлар вақтида вужудга келадиган иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий муносабатлар тизими сифатида қарашни таклиф қилган [11].

И.В.Зорин ва В.А.Квартальнов ишбилармонлик туризмни “даромад олмаган ҳолда хизмат мақсадларида вақтинчалик хизмат сафарлари ва саёҳатларда бўлиш, шу жумладан, анжуман, конгресс ва ҳоказоларда иштирок этиш” деб таърифлайдилар [12].

И.Т.Балабанов ва А.И.Балабанов ушбу атамани “бизнесменларнинг иш юзасидан саёҳатда бўлиши” деб изоҳлайдилар [13].

Олиб борилган илмий изланишлар Ўзбекистонда ишбилармонлик ҳаракатининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, қуйидаги атамани так-

лиф қилишга асос бўлди, яъни: ишбилармонлик туризми хўжалик субъектлари вакиллари, тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ишбилармонлик манфаатларини кўзлаб, бошқа ҳудудларга саёҳат қилиши ва у ерда аниқ белгиланган вазифаларни бажаришидир.

**Тадқиқот методологияси.** Ишбилармонлик туризми муаммоларини тадқиқ қилиш жараёнида илмий адабиётларни таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва қайта ишлаш, туризм корхона ва ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш, шахсий кузатув ва сўров усулларида фойдаланилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, гуруҳлаш, таққослаш, танланма кузатиш усуллари қўлланилган.

Фикримизча, бугунги кунда ишбилармонлик ташрифларини ишбилармонлик туризмига айлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, яъни туристик ва жойлаштириш ташкилот-

лари ишга доир ва хизмат юзасидан ҳамда тижорат мақсадлари бўйича саёҳатларни ташкиллаштириш фаолиятини ривожлантириши мумкин.

**Таҳлил ва натижалар.** Ишбилармонлик ташрифлари бу соҳадаги туризмнинг асосий манбаи ҳисобланади, шу муносабат билан уларнинг яширин турларини рўёбга чиқариш катта аҳамият касб этади. Қайд этилганидек, бугунги кунда фақат жойлаштириш муассасаларида ўз ихтиёри билан ташрифнинг мақсадини кўрсатган меҳмонларнинг маълумотларига асосланиб, ишбилармонлик ташрифлари сони аниқланади. Туризм ташрифлари қанчалик серқирра бўлса, ишбилармонлик ташрифлари ҳам шунчалик кенг таснифланиши мумкин. Ишбилармонлик ташрифлари таснифи бўйича олиб борилган изланишлар туризм бозори ушбу сегментининг мураккаблиги ва кўп қирралигини очиб берди (1-расм).



1-расм. Ҳудудий ишбилармонлик туризм сегментини таснифлаш белгилари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотлар натижасида бизлар бугунги кунда туристик бизнес томонидан ҳисобга олинмаган бир қатор ишбилармонлик ташрифлар турларини аниқладик, яъни иш юзасидан ходимларнинг хизмат сафарига юборилиши, хизмат юзасидан турли тадбирларда иштирок этиш, касбий ўсиш ва малака ошириш ташрифлари, савдо шартномалари доирасидаги ташрифлар, инспекцион ташрифлар, тадбиркорлик мақсадларидаги ташрифлар, тижорат ташрифлари, корхона раҳбариятининг функционал ташрифлари, ёшларнинг ва алоҳида шахсларнинг ишбилармонлик ташрифлари ва шу кабилар. Кўрсатиб ўтилган туризм ташрифларини ишбилармонлик туризми қаторига киритишнинг сабаби, уларнинг барчаси ишбилармонлик белгиларига мос келади, яъни: бизнес фаолияти манфаатларига бўйсунуши, борган жойда даромад олмаслиги, келгусида фойда олишни кўзлаш.

Олиб борилган изланишлар натижасида биз хизмат сафари ва тадбиркорлик туризмни чуқур ўрганганмиз. Хизмат сафари (“командировка”) ҳар қандай бизнес юритувчи субъектнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ходимнинг иш юзасидан доимий иш жойини маълум муд-

датга тарк этилишини кўзда тутлади. Бунда ходимнинг иш жойи ва маоши, кўпинча, сақланиб қолади ва корхона томонидан қилинган харажатлар тўлалигича ёки қисман қопланади. Хизмат сафари ҳар доим бўлган ва унга корхона маъмурий харажатларининг катта қисми сарфланган. Назарий жиҳатдан саёҳатларнинг бу шакли анъанавий хизмат ташрифлари деб аталиши ҳам унинг туризм бизнеси томонидан тартибга солинмаслигини асослаб беради. Ишбилармонлик туризмнинг таснифига эътибор қаратадиган бўлсак, тадбиркорлик саёҳатининг фарқли хусусиятларини ажратиш лозим бўлади. Аввало, тадбиркорлик туризми субъектларининг саёҳат мақсадлари шахсий бизнес билан боғлиқдир, яъни булар ёлланма ходимлар эмас. Иккинчидан, тадбиркорнинг саёҳат дастурининг ноаниқлиги, яъни бу мавжуд бизнесни ривожлантириш ёки янги ғояни олдинга суриш бўлиши мумкин. Учинчидан, тадбиркорлик мақсадларининг кенглиги, яъни тижоратни амалга ошириш, музокара олиб бориш, вазиятни таҳлил қилиш, ресурс топиш ва ҳоказо. Шу билан бирга, ишбилармонлик туризмнинг жозибали сегменти бўлмиш ёшлар ишбилармонлик туризмига эътибор қаратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун ишбилармонлик туризми мазмуни-ни бойитиш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, олий таълим муассасасида сиртқи бўлимида ўқиётган талабанинг имтиҳонларда қатнашиш учун келиши ишбилармонлик туризмига қиритилса бўладими? Албатта йўқ, чунки талаба ўз шахсий мақсадларини кўзлайди. Лекин халқ таълими ходими малака ошириш курсларига юбориладиган бўлса, буни ишбилармонлик туризмига қўшиш мантиқан тўғри ҳисобланади. Чунки ходимни таълим муассасаси хизмат сафарига юбормоқда ва лавозим вазифаларини тўлақонли бажариш учун иш жойидан вақтинча озод қилмоқда.

Ўзбекистон Республика фуқаросининг хорижга ишлашга чиққанлиги ишбилармонлик туризми ҳисобланмайди, чунки хорижга чиқшидан мақсад даромад олишдир. Аммо қўшма корхона ишчисини янги технологияларни ўрганиш учун хорижга юбориш ишбилармонлик туризмига оид саёҳат деб таърифланиши мумкин. Бунда саёҳатчи корхонанинг топшириқлари ва вазифаларини бажаришга масъул бўлади ва унинг сафар харажатлари юборилган корхона томонидан қопланади.

Бугунги кунда кўплаб хорижий жиҳозлар ва технологияларнинг Ўзбекистонга келтирилиши таъминотчи компаниянинг мутахассисларини жалб қилишни тақозо қилмоқда. Улар бир неча ҳафта, ҳаттоки, ойлар Ўзбекистонда яшаб, жиҳозни тўла қувват билан ишлашга кафолат берадиган ва маҳаллий кадрларни ўқитиб, мустақил ишлашга тайёрлайдилар. Буни ҳам ишбилармонлик туризми белгиларига мос деб эътироф этишимиз мумкин.

Ишбилармонлик туризмининг ривожлантиришга ёшларни жалб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг йўналишлари ва имкониятлари кенг. Ушбу йўналишлардан бири умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ҳаттоки, техникум талабаларининг корхоналарга саёҳатларини уюштиришдир.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг катта ҳажмда инвестициялар киритиши ишчи кадрларга бўлган талабнинг ўсиб боришига олиб келмоқда. Айнан, корхона жойлашган ҳудуддаги меҳнат ресурслари янги кадрлар учун етарли манба бўла олмайди. Бошқа томондан иш излаш тажрибасига эга бўлмаган ўқувчилар янги касбларга бўлган талаблар ва ишлаб чиқариш хусусиятларини тасаввур қилмайдилар. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан мунтазам равишда ўқувчиларнинг корхонага саёҳат ёки экскурсияларини ташкил қилиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тартиб бир неча шаклда бўлиши мумкин: корхонада даврий равишда очиқ эшик-

лар кунини ташкил қилиш, таълим муассасалари ўқувчиларининг корхонага график асосида ташриф буюришини ташкил қилиш, ўқувчилар учун махсус танишув тадбирини ташкил қилиш.

Биринчи шакл энг содда ва кам харажат талаб қиладиган бўлиб, корхона раҳбарияти томонидан йилига уч-тўрт мартаба ўтказилиши мумкин. Бунда корхона оммавий ахборот воситалари орқали барча таълим муассасаларига эълон беради. Шу куни махсус ажратилган вақтда кадрлар бошқармаси, цех бошлиқлари, раҳбариятнинг масъул шахслари корхонанинг кадрлар сиёсати ва ишчиларнинг меҳнат шароитлари билан ташриф буюрувчиларни таништирадидлар. Ишга жойлаш тартиби ва корхонанинг кадрларга бўлган талабларини маълум қиладилар. Ушбу усул энг арзон ва кўзга кўринадиган бўлиб, корхонанинг ташқи муҳит билан алоқаларни мустаҳкамлайди, аммо кадрларни танлаш бўйича самараси ниҳоятда паст бўлади.

Таълим муассасалари ўқувчиларининг корхонага график асосида ташриф буюришини ташкил қилиш шакли корхонанинг кадрлар манбаи бўлган ва унинг ҳомийлиги остида бўлган таълим муассасалари билан алоқаларни кучайтиришга қаратилган. Ойнинг маълум кунини корхона томонидан транспорт ташкил қилиниб, олдиндан келишилган таълим муассасалари ўқувчилари корхона билан яқиндан таништирилади ва меҳнат шароитлари тарғибот қилинади. Бу ҳолатда корхонанинг кадрлар билан ишлаш вазифаси тўлароқ намоён бўлади ва самараси нисбатан юқори бўлади.

Ёшларни корхона фаолиятига жалб қилиш ташрифларининг учинчи шакли мунтазам равишда таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчилари билан алоқада бўлиш ва ёшларнинг корхона ҳисобидан доимий ташрифларини уюштириш билан боғлиқ бўлади. Бундай ташрифлар натижасида сарфланган маблағлар энг юқори самара беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Таълим муассасалари ўқувчиларини кадрлар захираси сифатида қаралиши корхоналарнинг стратегиясини ривожлантириш билан бирга ишбилармонлик ташрифларининг кўлами ва туризмнинг аҳамиятини оширади. Корхоналарга ёшларнинг ташрифини ташкил қилиш шароитлари бўлмаган вазиятларда туризм ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланиш янада самарали бўлади.

Ушбу тартибнинг афзалликлари:

- корхона ва ташкилотларда инсон ресурслари бўлимларининг ёш кадрларни жалб қилиш ва танлаб олиш имкониятлари чексиз кенгайди;
- корхонанинг кадрлар сиёсатини тарғиб қилиш даражаси кенгайтирилади;



- ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёни жадаллашади ва унинг самарадорлиги ошади;

- ушбу тадбирларни ташкиллаштиришга туризм бизнес вакилларининг жалб қилиниши

тадбир сифатини ошириш билан бирга туризм кўламини оширишга ўз хиссасини қўшади.

Юқоридаги таклифларнинг мамлакатимиз корхоналари томонидан жорий этилиши ишбилармонлик туризмнинг ёшлар сегментини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўyxати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-75-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 декабрдаги “Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни «Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси» концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-455-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли қарори.
4. Rob Davidson. *Business events 2<sup>nd</sup> edition*. England: Routledge, 2018. – 486 page.
5. Nigel Evans. *Strategic Management for Tourism, Hospitality and Events*. Routledge; 3rd edition (August 20, 2019). – 814 pages.
6. Scott McCabe, Xavier Font. *Marketing for Sustainable Tourism*. Routledge; 1st edition (December 13, 2019). – 208 pages.
7. Krzysztof Cieslikowski. *Business tourism as innovative product for destinations. Innovative (Eco-) Technology, Entrepreneurship and Regional Development. Conference proceedings*, 2015. ISBN 978-9955-27-479-7 (online).
8. Смирнова О.А. Территориальная структура делового туризма в мире. [Электронный ресурс] / О.А.Смирнова. – Режим доступа: <http://diss.rsl.ru/diss/06/0288/060288034.pdf>.
9. Дыбаль М.А. Развитие кластера делового туризма в Санкт-Петербурге. *Современные проблемы сервиса и туризма*. 2016 г. № 1. С. 59-66.
10. Цацулина И.А. Развитие делового туризма в России. / И.А.Цацулина. // *Общество: экономика, политика, право*. 2011. № 1. С. 79.
11. Елизаров А.Н. Сущность делового туризма как экономической категории. *Актуальные вопросы экономических наук*, 2012, № 4. С. 274.
12. Зорин И.В. *Энциклопедия туризма*. / И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2004. С. 272.
13. Балабанов И.Т. *Экономика туризма*. / И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов. – М.: Финансы и статистика, 2002. С. 25.
14. <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>



**ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғли - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a58](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a58)

**Аннотация.** Бугунги замонавий, инновацион иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг меҳнат бозоридеги роли мақолада кенг ёритилган. Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг истиқболли кўрсаткичлари эконометрик таҳлил асосида аниқланган. Мақола сўнгида туризм хизматлари соҳасини келгусида жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш бўйича зарур тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** туризм хизматлари, аҳоли бандлиги, ЯИМ, таширф буюрувчилар сони, аҳоли жон бошига ЯИМ, туристик хизматлар экспорти, прогноз кўрсаткичлар.

**ПРОГНОЗНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОВЫШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ТУРИСТСКИХ УСЛУГ**

**Турабеков Соҳибжон Шербой ўғли - Доторант Самарқандский институт экономики и сервиса**

**Аннотация.** В условиях современной, инновационной экономики в статье широко освещается роль туристических услуг в народном хозяйстве Узбекистана и его роль на рынке труда. В условиях Узбекистана глубоко проанализированы проблемы обеспечения занятости населения на основе бурного развития сферы туристических услуг и определены их перспективные показатели на основе эконометрического анализа. В конце статьи даны необходимые рекомендации по увеличению занятости населения, исходя из стремительного развития сферы туристических услуг в будущем.

**Ключевые слова:** туристские услуги, занятость населения, ВВП, количество посетителей, ВВП на душу населения, экспорт туристических услуг, прогнозные показатели.